

Ўзбекистон Президенти ЕХХТ ДИИХБ Сайловларни кузатиш миссияси раҳбарини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 декабрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг (ЕХХТ ДИИХБ) Сайловларни кузатиш бўйича миссияси раҳбари Каетана де Зулуэта Оутрамни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан ЕХХТ ва унинг тузилмалари ўртасидаги конструктив ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Бугунги кунда ташкилот Бош котиби Томас Гремингернинг мамлакатимизга ташрифи якунида қабул қилинган ЕХХТ билан шерикликни кенгайтириш бўйича "йўл харитаси" амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ташкилотнинг Парламент Ассамблеясидаги иштирокини тиклади. ЕХХТ юртимиздаги парламент сайловларига 1999 йилдан буён илк бор тўлақонли миссияни жўнатди.

Бугунги учрашувда ҳамкорликнинг истикболли йўналишлари хусусида батафсил фикр алмашилди, миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, сайлов ва бошқа соҳаларда қўшма тадбирлар ўтказиш масалалари муҳокама қилинди.

ЕХХТ ДИИХБ Сайловларни кузатиш бўйича миссияси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул ҳамда мамлакатимиз ЕХХТ билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёрлиги учун миннатдорлик билдирди.

Каетана де Зулуэта Ўзбекистондаги сайловлар мутлақо янги сиёсий муҳитда, салмоқли даражада такомиллаштирилган ҳуқуқий нормалар асосида ўтаётгани, шу сабабли ДИИХБ сайлов жараёнларини катта қизиқиш билан кузатаётганини таъкидлади.

[ЎЗА](#)